



Ислом Нури

Савол:

Ассалому алайкум. Менинг саволим агар эркак киши ўзини ўзи шаҳватини келтирса гуноҳми ёки йўқми?

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳ.

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ:

Эр киши ўзи ўзининг шаҳватини келтириши қаттиқ гуноҳлардан ҳисобланади. Чунки бу хаддан ошишдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу шаҳватни қаерларга бўшатиш лозимлигини баён қилди ва улардан бошқаси хаддан ошиш эканини уқтирди. Мўминун сурасида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Улар (мўминлар) жинсий аъзоларини (ҳаром ишлардан) сақловчи кишилардир. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўриларидагина (сақламайдилар). Улар маломат қилинмаслар. Энди ким шундан ўзгани (яъни зино, амали қавми лут, қўли ва бошқа нарсалар билан шаҳватини тўкиш ва бошқа ишларни) истаса, ана ўшалар хаддан ошувчилардир.”**

Бу каби амалларни, умуман гуноҳ ишларни қиладиган кишиларнинг юзларидан нурлари кетади. Бу каби ишни қиладиганлар Аллоҳни қадрламайдилар, уларни ҳеч ким кўрмаганда ҳам Аллоҳ кўриб туради – ку нахотки улар Аллоҳнинг олдида беҳаёларча шу ишни қилсалар!

Пайғамбаримиз иложини қилган йигитларни уйланишга буюрдилар. Ким уйланишга қодир бўлмаса то қодир бўлгунига қадар рўза тутишга



Ислом Нури

Агар эркак киши ўзини ўзи шаҳватини келтирса гуноҳми ёки йўқми? | 2

буюрдилар. Чунки, рўза шаҳватни кесади.